

Урбанизация в Узбекистане является ключевым фактором социально-экономического развития регионов и повышения качества человеческого капитала. Процесс урбанизации способствует модернизации экономики, созданию новых рабочих мест и развитию инфраструктуры, что, в свою очередь, приводит к улучшению уровня жизни населения. Для достижения долгосрочных целей устойчивого развития необходимо продолжать активное взаимодействие между государственными структурами, бизнесом и научным сообществом, направленное на создание инновационной экономики и повышение качества человеческого капитала в условиях урбанизации.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 11.09.2023г. О Стратегии “Узбекистан -2030” № УП-158 <https://lex.uz/ru/docs/6600404>
2. <https://nonews.co/directory/lists/countries/urban-population>

**ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ
АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ**

Пулатова Мохира Бахтиёровна
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси доценти, PhD*

Аннотация: *Замонавий иқтисодий тизимларда ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) асосий рол ўйнайди. Бу давлатлар ўртасида савдо, сармоя ва технологик алмашинуви ривожлантиришга ёрдам беради. Ушбу мақолада халқаро миқёсдаги ташқи савдонинг асосий жиҳатлари, жумладан, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий омиллар, шунингдек, уларнинг миллий иқтисодиёт ва жаҳон бозорларига таъсири кўриб чиқилади.*

Калит сўзлар: *ташқи савдо, экспорт, импорт, салдо, глобаллашув.*

Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолият мамлакатлар стратегик ривожланишининг муҳим элементига айланиб бормоқда. У товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти, хорижий инвестициялар билан операцияларни, шунингдек, илмий-техника соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ўз ичига олади. Ташқи иқтисодий фаолиятдаги муваффақият кўп жиҳатдан бир қатор омилларга, жумладан, иқтисодий сиёсат, ҳуқуқий тартибга солиш ва халқаро муносабатларга боғлиқ.

Жаҳон иқтисодиётида глобал даражадаги рақобат курашининг кучайиб бориши миллий иқтисодиётларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтиришга ҳаракатини кучайтирмоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ташқи савдо айланмаси ҳажмини тобора ошириб боришга интилиш натижасида саноат маҳсулотлари экспорти изчил равишда кўпайиб бормоқда. Савдо баланси ташқи

иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичидир. Ижобий салдо (экспорт импортдан кўп) миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини кўрсатади, салбий салдо эса импортга боғлиқлик ва маҳаллий ишлаб чиқаришнинг заифлигини кўрсатиши мумкин. Жумладан, халқаро статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда экспорт ҳажми Хитойда 3.37 трлн. доллар, АҚШда 2.01 трлн. доллар, Германияда 1.4 трлн. доллар, Канадада 566 млрд, Япония 717 млрд, Франция 640 млрд. долл.ни, Туркия 255 млрд. долл.ни ташкил этган [2]. Ташқи савдо балансида фақат баъзи давлатларгина сезиларли ижобий салдони ташкил этган. Буларга, Хитой ташқи савдо баланси 822 млрд. долларни, Германияда 228 млрд. долларни ва Канадада 8.2 млрд. долларни ташкил этган. Бироқ экспорт ҳажмининг аҳамиятли бўлишига қарамасдан ташқи савдо баланси АҚШда -1149.9 млрд. доллар, Япония -33.8 млрд. доллар, Францияда -137 млрд. доллар ва Туркия -106 млрд. доллар салбий салдони ташкил этган. Кўплаб ривожланаётган мамлакатлар эса асосан хом-ашё маҳсулотларини экспорт қилиш билан чегараланмоқда. Бу эса жаҳон миқёсида корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда масалаларининг аҳамиятли эканлигини намоён этади.

Келинг, Ўзбекистон ташқи савдо балансини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси ва баланси[1]

(январь-март, млн. АҚШ доллари)

	2023 йил	2024 йил	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан, % да
Ташқи савдо айланмаси	14 895,1	15 823,0	106,2	х
Экспорт	5 804,3	6 384,4	110,0	100,0
товарлар	4 765,1	5 245,0	110,1	82,2
хизматлар	1 039,3	1 139,4	109,6	17,8
номонетар олтин	2 410,3	2 738,4	113,6	42,9
Импорт	9 090,8	9 438,6	103,8	100,0
товарлар	8 595,4	8 747,2	101,8	92,7
хизматлар	495,4	691,4	139,6	7,3
Салдо	-3 286,4	-3 054,2	х	х

Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 6384,4 млн. АҚШ долларига (10,0 % га кўпайди) ва импорт ҳажми 9 438,6 млн. АҚШ долларига (3,8 % га кўпайди) етди. Ҳисобот даврида 3 054,2 млн. АҚШ доллари қийматида манфий ташқи савдо баланси қайд этилди.

Юқорида келтирилган рақамлардан шуни билишимиз мумкинки, Ўзбекистон ва дунё иқтисодиёти учун ҳам ташқи иқтисодий фаолият аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Келинг халқаро нуқтаи назардан халқаро иқтисодий фаолиятнинг аҳамиятли жаҳатларига тўхталиб ўтсак.



1-расм. Халқаро миқёсда ташқи иқтисодий фаолиятнинг аҳамиятли жиҳатлари

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг аҳамияти: Глобаллашув ва халқаро рақобат шароитида ташқи иқтисодий фаолият кўплаб корхоналар учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бизнес лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун экспорт, импорт, хорижга инвестициялар ва халқаро ҳамкорликнинг бошқа шакллари самарали молиялаштиришни талаб қилади.

Молиявий усуллари такомиллаштириш зарурати: ташқи иқтисодий фаолиятни молиялаштиришнинг мавжуд усуллари замонавий шароит ва бозор талабларига етарли даражада мослаштирилмаган бўлиши мумкин. Масалан, молиявий инжиниринг воситаларидан етарли даражада фойдаланилмаганлиги ёки валюта рискларини бошқаришнинг етарлича эътиборга олинмаганлиги бўлиши мумкин.

Рискларни бошқариш самарадорлигини ошириш: Ташқи иқтисодий фаолият турли хил молиявий ва иқтисодий рискларга дучор бўлади, масалан, валюта rischi, тўламаслик rischi, сиёсий таваккалчилик ва бошқалар. Янги молиялаштириш методологияларини ишлаб чиқиш ушбу рискларни бошқариш ва камайтириш механизмларини ўз ичига олиши керак.

Рақобатбардошликни ошириш имкониятлари: ташқи иқтисодий фаолиятни самарали молиялаштириш корхонанинг жаҳон бозоридаги асосий рақобатдош устунлигига айланиши мумкин. Молиялаштиришнинг услубий базасини такомиллаштириш орқали халқаро оператсияларда кўпроқ мослашувчанлик ва инновацияларга эришиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи корхоналар, шунингдек, давлат органлари ва банклар томонидан янада самарали стратегиялар ва молиялаштириш воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш уларнинг

жаҳон бозорида рақобатбардошлиги, самарадорлиги ва барқарорлигини оширишга қаратилган муҳим вазифадир[4].

Ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштириш жараёнларининг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ҳозирда жаҳоннинг турли мамлакатларида ташқи савдо, хусусан экспорт жараёнларини фаоллаштиришнинг илмий жиҳатларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, эркин иқтисодий ва савдо ҳудудлари, технопаркларни ташкил этиш, ташқи савдони ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнларида замонавий технологиялардан фойдаланиш, инновацион марказлар ташкил этиш, каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилиши натижасида етакчи мамлакатларнинг тез суръатлар билан иқтисодий ривожланиши, халқаро транспорт ва коммуникацияларнинг мукамаллашуви, хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларига нисбатан тайёр маҳсулот ва хизматлар нархининг кескин ўсиши натижасида жаҳон савдосида тижорат хизматлари ва тайёр маҳсулотлар экспортининг салмоғи ортишига олиб келади .

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Stat.uz https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=436&id=3326&Itemid=1000000000000
2. https://trendeconomy.ru/data/commodity_h2?commodity=TOTAL&indicator=TV,tv_w_rld_share&trade_flow=Export,Import&time_period=2023.
3. Корхонлар ташқи иқтисодий фаолияти ва уни молиялаштириш манбалари: Внешнеэкономическая деятельность предприятий и источники его финансирования
М Пулатова - МОЛИЯ ВА БАНК ИШИ, 2024
4. GLOBALShUV ShAROITIDA O 'ZBEKISTON TASHQI IQTISODIY FAOLIYATI TAHLILI
МБ Пулатова

O'ZBEKISTONDA TA'LIM XIZMATLARINI HUDUDLAR BO'YICHA TENG TAQSIMLASH: AMALIY CHORALAR

Reyimberdiyev Baburbek Adilbek o'g'li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
To'rtko'l fakulteti assistenti
breyimberdiyev@tsue.uz

O'zbekistonda ta'lim sifatini yaxshilash va unga teng kirishni ta'minlash davlat siyosatining muhim yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Mamlakatning hududlari bo'yicha ta'lim xizmatlariga bo'lgan kirish imkoniyatida sezilarli tafovutlar mavjud bo'lib, bu ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Chekka qishloq hududlarida ta'lim muassasalarining yetishmasligi, kadrlar tanqisligi va texnologik resurslarning cheklanganligi ta'lim xizmatlarini teng taqsimlashda asosiy muammolar hisoblanadi. Ushbu maqolada O'zbekistonda ta'lim xizmatlarini hududlar bo'yicha teng